Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

# Туркистон

*Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!*

1995 йил 11октябрь. Чоршанба. № 39 (14291) ترکستان * TURKİSTAN

Сотувда эркин нархда

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

10 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби Вильгельм Хойнкни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни Ўзбекистонга ташрифи билан қутлар экан, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ташаббуси билан республикамизда ўтказилаётган халқаро семинар нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларда экология ҳолатини барқарорлаштиришда ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

— Сиз бевосита иштирок этаётган мазкур анжуман яқинда Нукусда Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш бўйича ўтказилган халқаро семинар билан ҳамоҳангдир. Чунки Нукус семинарида кўплаб халқаро ташкилотлар билан бирга ЕХҲТ вакиллари ҳам фаол иштирок этган эди-деди Ислом Каримов.

Вильгельм Хойнк самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, мустақил Ўзбекистон Республикаси эришаётган сиёсий, иқтисодий ютуқларни бутун жаҳон жамоатчилиги зўр эътибор билан кузатаётганини қайд этди. Минтақадаги экология ҳолати масаласига тўхталиб, бу муаммони ечишда кўмаклашиш учун қўлидан келган барча имкониятларни ишга солишини айтди.

Қабул чоғида Ўзбекистон билан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги минтақавий вакили А. Резник ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

## ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

7 октябрь куни Қоҳирада Ўзбекистон Республикаси элчихонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Миср ташқи ишлар вазири Амру Муса икки мамлакат халқлари ўртасидаги азалий дўстона муносабатлар ривожланиб бораётгани ҳақида сўзладилар. 8 октябрь куни Миср ташқи ишлар вазири Амру Муса ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Миср ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар ҳақидаги битимни имзолади.

Битимни имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шамсуддин Бобохонов иштирок этди.

***

9 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳусни Муборак қабулида бўлди.

А. Комилов Миср Президентига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мактубини топширди.

Суҳбат чоғида ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтариш, айниқса, савдо-иқтисодий, сармоялар ҳаракати, сайёҳлик, самолётлар қатновини йўлга қўйиш соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

**(ЎзА).**

*Пахтакорга ҳамма мададкор!*

## ЁШЛАР — МАМЛАКАТ ФАХРИ, ИФТИХОРИ ВА ТАЯНЧИ

### ҲАМ ОЛҚИШ, ҲАМ ИШ ҲАҚИ ОЛИБ...



**Меҳнат билан ёшлик ҳамнафас...**
**Бутун пахтазор оралаб ахтариб топган сўзингиз шоирнинг шу сатрлари бўлади. Бугун қаёққа қараманг ёшлик шижоати ила ишлаётган, меҳнат қилаётган юртимизнинг фахри бўлган ёшларни кўрасиз...**
**СУРАТДА: Арнасой туманидаги «Олтин водий» ширкатлар уюшмасига қарашли 16-деҳқон хўжалигининг энг илғор теримчиси Дилором Қаюмова. У ҳар куни 100-110 килограммдан ошириб пахта териб, эл хирмонининг юксалишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.**
**К. ЎЛМАСОВ сурати.**

Чинакам ҳунар эгаси бўламан, деган ёшлар ҳамиша элнинг кунига ярайди, соҳибқирон бобомиз Амир Темур ибораси билан айтганда, «миллатнинг дардларига дармон» эканлигини амалда исботлайди.

Бунга Хўжаобод қишлоқ хўжалиги лицейи ўқувчиларининг йиғим-теримдаги ибратли ишлари тўла мисол бўла олади. Улар Андижон вилояти деҳқонлари уяётган баланд хирмонга ўзларининг камтарона, аммо салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ёшлар бободеҳқонга берадиган кўмагини пахта терими бошланмай туриб бошлашган, Мадиёров номидаги деҳқончилик саноати мевазорларида тер тўкишган эди. Туманнинг «Ўзбекистон», «Дўстлик» ширкатлар уюшмалари меҳнаткашлари улардан миннатдор бўлаётирлар. Чунки ҳунар даргоҳи ўқувчилари уларга пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини юқори навларга топширишга кўмаклашдилар. Бу деҳқончилик уюшмалари ғазналарига одатдагидан кўпроқ даромад тушади, дегани.

Ҳар бир жамоанинг ўз пешқадамлари бор, албатта. Лицейда бундай илғорлар деб Одинахон Усубжонова ва Муаттархон Шамшиевалар тан олинди. Улар теримда фаол қатнашганликлари учун вилоят халқ таълими бошқармасининг мукофотларига сазовор деб топилдилар.

— Ўқувчиларимиз деҳқонларнинг олқишини олмоқдалар, — дейди лицей директори Расулжон Йўлдошев. — Шунинг билан бир қаторда астойдил ишлаган йигит-қизларимиз дурустгина иш ҳақи ҳам олишга эришмоқдалар.

Ҳашарчилар теримни авж олдирмоқдалар. Уларнинг ишлаши, вақтида овқатланиши, дам олиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

**Сафарали АБДУРАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси,**
**Андижон вилояти.**

## СОҒЛОМ АТРОФ-МУҲИТ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

10 октябрь куни Тошкентда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг атроф-муҳитни тиклаш бўйича халқаро семинари бошланди. Семинарда Германия, Италия, АҚШ, Буюк Британия, Туркия каби ЕХҲТга аъзо ўнлаб давлатлар, Марказий Осиё республикалари ва бир қанча халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Семинарни ЕХҲТнинг Бош котиби доктор Вильгельм Хойнк очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг семинар иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг Вильгельм Хойнк «Халқаро ҳамкорлик ва ЕХҲТнинг атроф-муҳит муҳофазасига қўшган ҳиссаси» мавзуида маъруза қилди.

— Мазкур семинар ЕХҲТга аъзо давлатларнинг эътиборини Марказий Осиёдаги экология масалаларига, хусусан, бутун жаҳон учун хавф туғдираётган Орол денгизи муаммосига қаратиш, ҳамкорликда фалокатнинг олдини олиш йўлларини қидириш имконини беради, — деди у. — Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқи минтақадаги экология ҳалокатига қарши курашиш йўлида ёлғиз эмас.

Семинар иштирокчилари БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича дастури фаолияти билан танишдилар, минтақадаги экология ҳолатини яхшилаш масалаларини муҳокама этдилар.

Маълумки, ўтган йили Тошкентда ўтказилган ЕХҲТнинг илк семинарида Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий, ижтимоий ва бошқа бир қатор муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ кўплаб масалалар муҳокама этилган эди. Мазкур анжуманда эса аниқ мавзу — минтақада атроф-муҳитни тиклаш, бу борадаги энг самарали йўлларни излаб топиш ва уни амалга оширишда жаҳон жамоатчилиги билан кенг ҳамкорлик қилиш масалалари кўриб чиқилади.

Минтақавий ҳавфсизлик, иқтисодий, илмий-техник ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи мазкур нуфузли ташкилот ўз фаолияти давомида атроф-муҳит муҳофазасига ҳам катта эътибор бериб келмоқда. Зеро, бугун минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик нафақат сиёсий ҳамда ҳарбий омиллар, балки, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий мувозанат ва инсон омили билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Шу боис, ушбу семинарни яқинда Нукус шаҳрида ўтган Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш бўйича халқаро конференциянинг мантиқий давоми дейиш мумкин. Семинарда Орол денгизи муаммоси Нукус конференцияси натижалари асосида ва БМТ доирасида муҳокама этилади.

Семинарнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов, ташқи ишлар вазири А. Комилов қатнашди.

Семинар Урганч шаҳрида ўз ишини давом эттиради.

*Ёшлар Иттифоқида нима гап?*

## ҲАР БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТГА, ҲАР БИР СИНФГА...

Бу галги обуна мавсуми ҳам равон кечмаслиги, мазкур мавсумга алоқадор ташкилотлар, масъул шахсларни ташвишга солиши турган гап.

Ҳа, обунани уюштириш осон бўлмайди. Ҳар қанча қийин бўлмасин, ушбу мавсумни мумкин қадар самаралироқ тарзда ўтказмоғимиз лозим. Зеро, маънавият қадрланган жамиятгина иқтисодий юксакликларга кўтарилиши мумкин.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Қорақалпоғистон республика қўмитаси ёшлар газеталари ва журналлари, шу жумладан, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг бош нашри — «Туркистон»га ўтказилаётган обунага муайян равишда тайёргарлик кўрди. «Туркистон»ни моддий томондан қўллаб-қувватлаш, жорий йил обунасини талаб даражасида ўтказишни кўзлаб Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари катта ишларни қилмоқда.

Биз қорақалпоғистонликлар ҳам катта ишда ўз ҳиссамизни қўшиш учун барча чора тадбирларни кўраяпмиз.

Бизнинг ҳисобимизда 186 минг нафардан кўпроқ аъзо бор. Биз жуда бўлмаганда ҳар 20 нафар Ёшлар Иттифоқи аъзосидан бирини «Туркистон» муштарийсига айлантириш тўғрисида ўйлаб кўрмоқдамиз. Бу борада Беруний туман Ёшлар иттифоқи қўмитаси ташаббуси ибратлидир. Улар ҳар бошланғич ташкилот, VIII-XI синф ўқувчиларини бирлаштирган ҳар бир синф, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларининг ҳар бир гуруҳини биттадан «Туркистон»га обуна бўлишини ташкил этмоқчилар. Шунда ҳар бир ўқувчи, ҳар бир талаба, ҳар бир Ёшлар Иттифоқи аъзоси «Туркистон»дан баҳраманд бўлади.

Бу ташаббусни Қорақалпоғистондаги 17 та Ёшлар Иттифоқи туман ва шаҳар қўмиталарининг барчаси қўллаб-қувватламоқда.

Биз Ўзбекистонимиздаги барча Ёшлар Иттифоқи вилоят, туман, шаҳар қўмиталари, ҳамма бошланғич ташкилотларни бу даъватга қўшилишга чорлаймиз! Севимли газетамиз «Туркистон»га обуна бўлишга чақирамиз.

**Нукусбой НАҒМЕТОВ,**
**Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Қорақалпоғистон республика қўмитаси биринчи котиби.**

*ОБУНА-96*

## «ТУРКИСТОН»НИ КИМ СЕВСА, «ТУРКИСТОН»ГА ОБУНА БЎЛАДИ!

### ОБУНА НАРХИ

**Республика вилоятларида ва Қорақалпоғистонда:**

- **Якка тартибдаги обуначилар учун:**
  *Нашр индекси — 64607*
  *6 ойга — 424 сўм 80 тийин*
  *12 ойга — 849 сўм 60 тийин*
- **Ташкилотлар учун:**
  *Нашр индекси — 64633*
  *6 ойга — 528 сўм 90 тийин*
  *12 ойга — 1057 сўм 80 тийин*

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА**

- **Якка тартибдаги обуначилар учун:**
  *6 ойга — 380 сўм*
  *12 ойга — 720 сўм*
  *Якка тартибдаги обуначилар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:*
  *6 ойга — 324 сўм*
  *12 ойга — 648 сўм*
- **Ташкилотлар учун:**
  *6 ойга — 530 сўм*
  *12 ойга — 1058 сўм*
  *Ташкилотлар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:*
  *6 ойга — 474 сўм*
  *12 ойга — 948 сўм*

***Нашрларни тарқатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар республика вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Тошкент шаҳрига қараганда бирмунча қимматроқ бўлганлиги туфайли (ҳаво йўллари, темир йўл ва автотранспорт харажатлари ҳисобига) пойтахт шаҳрида нашрларнинг обуна нархи алоҳида кўрсатилган.***

**ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

*Спорт — тинчлик элчиси*

## УЛАР АТЛАНТАГА БОРАДИЛАР

*XVIII Осиё чемпионати ҳам тарихга айланди. Аммо унинг шодлигу қувончлари дилларимизни узоқ вақт нурафшон қилиб туради. Осиё чемпиони деган шарафли номга бир йўла уч боксчимизнинг сазовор бўлиши жуда катта ютуқдир. Келаси йил Атланта Олимпиадасига бориш учун Ўзбекистоннинг тўрт нафар боксчиси йўлланмани қўлга киритишди. Наримон Отаев, Дилшод Ёрбеков, Руслан Чагаевлар Осиёда энг кучли боксчи эканликларини кўрсатган бўлсалар, Муҳаммадқодир Абдуллаев эса чемпионатнинг кумуш медалини қўлга киритди.*

*Чемпионларимиз Наримон Отаев 67 килограммлилар баҳсида, Дилшод Ёрбеков 75, Руслан Чагаев 91 килограмм боксчилар вазнида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдилар. Республикамизнинг кўпсонли бокс мухлислари номидан чемпионларимизни Атлантадан ҳам ёруғ юз билан қайтишларини тилаймиз. Келаси йил АҚШга жўнаш олдидан мамлакатимиз байроғини ва мадҳиямиз ёзилган магнит тасмасини ҳеч иккиланмай, Атлантада албатта керак бўлади, деб ният қилиб олиб кетишларини истаб қоламиз.*

*(4-бетга қаранг).*







*Олам сиз билан гўзал*

## Оддий қишлоқ аёли

### ҳам ижодкор, ҳам ишбилармон Ойгул МАМАТОВА билан суҳбат

**— Ойгул опа, сизни биров ижодкор, биров ишбилармон сифатида танийди. Гапни ижод йўлингиздан бошласак.**

— Ўқувчилик йилларимдаги машқларим оила ташвишлари орасида ҳам аста-секин давом этди. Шеърларим туман матбуотида ҳар замонда кўриниб қоларди. Шу зайл оилали бўлдим, олти фарзандни тарбияладик. Бу орада Самарқанд дорилфунунининг ўзбек филологияси факультетини сиртдан тамомладим. Дорилфунундаги «Шалола» уюшмаси менга кўп нарсани ўргатди.

1989 йилда ёш ижодкорларнинг республика кенгаши қатнашчиси бўлдим. Одил Ёқубов, Усмон Азимов, Саид Аҳмад, Озод Шарофиддиновларнинг назарига тушдим шекилли, «Дарвеш аёл» номли шеърий тўпламим чоп этишга тавсия қилинди. Тошкентда яшай бошлаганимдан кейин ҳам бу ердаги ижодий муҳитнинг таъсири катта бўлди. «Жаннат қуши» номли романим 1990 йилда нашр этилишида ҳам ўша, ажойиб инсонларнинг хизмати катта бўлди. Улар жонкуяр устоз сифатида маслаҳатлар беришди, хато-камчиликларимни кўрсатишди.

**— Бирдан катта вазифаларга сайланишингиз... ҳаяжонлантирган бўлса керак-а?**

— Мен ҳеч қачон мансабга қизиқмаганман. Мактабни тугатгач шу ернинг ўзида ишлай бошладим. Сиртдан ўқишни тамомлаб, ўқитувчи бўлдим. Кейинчалик бирмунча вақт колхозда маданият ишлари бўйича раис муовини бўлдим. 1990 йилда республика халқ депутатилигига сайланиб, тақдир экан, Тошкентда ҳам ишладим. Аввал Олий Кенгаш маданият ва маориф, кейин ошкоралик қўмиталарида ишладим. 1994 йилдан ижодий таътилга чиқдим. Оддий ўқитувчиликдан юқори вазифаларгача кўтарилиб боришга оддий қараган эдим. Шунинг учун ҳам ижодий таътилга чиқиб, ишдан кетиш ҳам менга оғир ботмади.

**— Кичик корхона ташкил этишингизга нима туртки бўлди?**

— Бу ҳақда гап кетганда кўпчилик бойиш учун шундай қилди, дейиши турган гап. Лекин мен кичик корхонани ташкил этганимда юқори лавозимда ишлардим. Мени ўйлантиргани бошқа нарса эди. Бизнинг туманимизда саноат корхонаси йўқ даражада. Қишлоқ аҳолиси фақат колхозга кўз тикиб яшайди. Қўлида ҳунари, ишлай деса иш йўқ. Ана шуларни ўйлаб, озгина бўлса-да уларга ёрдами тегар деган ниятда кичик корхонани ташкил этдим. Қишлоқдаги эски боғча биносини ижарага олиб, таъмирлаб тикувчилик цехи очдик. Аёллар, ҳатто, уйидаги тикув машинасини ҳам олиб келиб ишлай бошлашди.

**— Тошкентда яшаб туриб, бу ердаги ишларни йўлга қўйиш осон кечмагандир?**

— Корхонани юргизиш учун бир кишининг тинимсиз елиб-югириши кераклигини кейин билдим. Тошкендан келгунимча цех фақат буюртмалар бўйича кийим тикарди. Таътилга чиққач, корхона фаолияти билан жиддий шуғулландим. Ҳозирги кунда 35 киши ишлаяпти. Ойлик маошлари ҳам яхши. Бухоро ва Андижон ип-газлама ишлаб-чиқариш бирлашмалари билан шартномамиз бор. Улардан газламалар олиб келиб, вилоят соғликни сақлаш ва халқ таълими бошқармалари буюртмаларига асосан касалхоналар, болалар уйлари учун кийим-кечак, чойшаблар тикаяпмиз.

**— Ҳозир фирмалар тараққиётни ўйлаб малакали мутахассисларни ишга таклиф этишмоқда. Сизларда бу масала қандай?**

— Юқорида айтганимдек, асосий масала ишсизларни юмуш билан таъминлаш эди. Ишчиларимиз қишлоқ аёллари. Ишга келганларининг баъзилари оддий кўйлак тикишни ҳам билишмасди. Эндиликда шунақа қўли гул чевар бўлиб кетишганки, истаган нарсангизни кўнгилингиздагидек қилиб тикиб бера олишади. Ёшлигимда тикиш-бичишни яхши ўрганганлигим қўл келди. Яқин пайтгача ўзим ҳам бичиқчилик қилдим. Ҳозир шогирдим эплаяпти. Ҳамма нарса пул билан ўлчангач, тежамкорликка, ҳисоб-китобга катта эътибор берар экансиз. Шу томонини ўйлаб, бир қизимни бухгалтерлик касбига ўқитяпман. Яқин орада яхши мутахассисга эга бўламиз. «Оро» деб номланган кичик корхонамизни яқинда хусусий фирмага айлантирдик. Сарторашхона, гиламчилик, пойафзал таъмирлаш ва тикиш, темирчилик цехи каби йўналишларни йўлга қўйиш ниятидамиз. Бу ниятларимиз ҳам амалга ошса яна қанча ёшлар ишли, ҳунарли бўлади.

**— Ўтаётган кунингиздан қониқасизми?**

— Умуман олганда ҳаётимдан хафа эмасман. Инсон ҳаёт учун курашиши керак. Тақдир шу экан деб қўл қовуштириб ўтирган билан ризқ осмондан тушмайди. Ҳаракатда баракат деб бежиз айтишмаган. Елиб-югуришдан, меҳнатдан қочмаслик керак.

**— Бугун ҳам ижод учун вақт топаяпсизми?**

— Оғир рўзғор остида ҳам, масъулиятли иш чарчоғидан кейин ҳам ижод қилиб дам олардим. Ҳозир ҳам ижодим — менинг ҳамдамимдир. Ана шу юксак туйғугина менга доимий йўлдош бўлиб ҳар қандай вазиятларда, ҳолатларда ўзимни танишга туртки берган.

**Суҳбатдошлар:**
**Гули ЧЕҲРА,**
**Садриддин НАБИЕВ**

*Сурхон томонларда*

## ЯХШИ БИЛАН ЮРСАНГ...

Минг нафардан ошиқ жамоани бошқарадиган, тадбиркор ва ғайратли раҳбарлардан бири Панжи Раҳмонқулов тонгда волейбол ўйнашга чиқиб кетади.

Умуман олганда, Сурхондарё электр тармоқлари корхонаси жамоаси ҳар тонгни шундай машғулотлар билан қаршилаяпти. Баҳром Ҳадиров, Шербой Абдуллаев, Зафар Бўриев, Эшдавлат Бобомуродовлар яхшигина спортчилар ҳамдир.

Бундан ташқари дам олиш уйларига йўлланмалар жуда арзон нархда сотилаётир, ошхонада овқатлар қиммат эмас. Термиз шаҳридаги сауна уларнинг хизматида.

## ШЎРЧИДА СПИРТ ЦЕХИ ОЧИЛДИ

Зиёда Бўронова тадбиркор кишилардан бири. Энг характерлиси, у фақат Денов шаҳридагина эмас, балки вилоятдаги йирик саноат корхоналаридан бири — вино-арoқ заводига раҳбарлик қилаётган яккаю-ягона аёл. Зиёда бир суҳбатда:

— Қани бизнинг вилоятда ҳам спирт ишлаб чиқариш йўлга қўйилса — деган эди.

... Яқинда Зиёданинг орзуси амалга ошди. Шўрчида дон маҳсулотлари корхонаси етакчиси Эркин Қурбоновнинг фидойилиги туфайли спирт цехи ишга тушди.

Айни пайтда кунига 150 килограмм спирт ишлаб чиқарилмоқда. Ун ва буғдой қолдиқлари ачитилиб, сифатли спирт тайёрланаяпти.

Корхона раҳбари Эркин Қурбоновнинг айтишича, бу ерда ишлаб чиқарилаётган спиртдан Сурхондарё тиббиёти ходимлари ҳам фойдаланаётир.

## КАССА АППАРАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Уни доимо янгиликка қизиқадиган киши сифатида танийдилар. Умуман олганда, Шоди Турдиев шу корхонага ёшлигиданоқ ишга келган эди. Унга энг кичик вазифани топширишса ҳам кўнглига оғир олмай, бекаму-кўст уддалади.

Мана, бир неча йилдирки, ўзи кўп йиллар ишлаган «Жайҳун» ҳиссадорлик жамиятига етакчилик қилиб келаётир. У устозлари — Абдужаббор Ҳасанов, Шоди Эшалиевлар билан бамаслаҳат иш олиб боряпти.

Эндиликда эса ўзи ҳам устоз. Шогирдлари Бобоқул Турдиев, Саъдулла Жабборов ва бошқалар ундан иш ўрганишяпти.

Ҳиссадорлик жамиятида ишлаётганлар Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарорига амалий иш билан жавоб бериб, кўпчилик дўконларга касса аппаратлари ўрнатиб чиқди. Энди эса... ким қандай ишлаётганлиги кўзгудагидек равшан бўлади-қолади.

## ЯХШИ ИШЛАГАНЛАРГА — БЕПУЛ

Камтаргина бу йигитни Термиз шаҳрида кўпчилик ҳурмат қилишади. Чунки, Нурали Худойбердиевнинг шижоати туфайли «Равшан» ҳиссадорлик жамияти вилоятдаги сердаромад корхоналардан бирига айланди. У иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга ҳисса қўшиш учун тинмай ҳаракат қилади. Жумладан, янги цехлар ташкил этди.

Яқинда «Сурхонсавдо» концерни бошлиғи Мирмуҳаммад Отарбоев Нурали Худойбердиевга Тошкент вилоятининг Ҳумсон деган сўлим гўшасида дам олиб келиш учун бепул йўлланмани тантанали равишда топширди. Бундай текин йўлланмалар бошқаларга ҳам насиб этди.

**Жовли ХУШБОҚОВ,**
**«Туркистон» мухбири.**

*Ислоҳот одимлари*

## Нуритдин МУҲИТДИНОВ:
# ХАЛҚ БАНКИ ХАЛҚ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Куни кеча матбуотда «Ўзжамғармабанк»ни Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига айлантириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Шу муносабат билан мухбиримиз мазкур банкда бўлиб, бошқарув раиси Нуритдин Фахритдинович Муҳитдиновга муштарийларни қизиқтирган баъзи саволлар билан мурожаат қилди. Қуйида ана шу мулоқотни эътиборингизга ҳавола этамиз:***

**— Нуритдин Фахритдинович, бозор иқтисодиёти қонуниятлари аста-секин турмушимизга сингиб бораётган бир пайтда «Ўзжамғармабанк»нинг Халқ банкига айланишини ҳам табиий бир жараён сифатида қабул қилиш мумкин. Аммо бу ўзгариш қандай заруратга кўра бўлгани кўпчиликни қизиқтираётир. Шу ҳақда қисқача тушунча берсангиз.**

— Республикамиз халқ хўжалиги бозор иқтисодиёти йўналишида жадал ривожланиб бораётган бир шароитда муассасаларимиз халқимизга 80 дан ортиқ банк хизмат турларини кўрсатиб келмоқда. Булар аҳолининг пул маблағларини омонатларга қабул қилиш, ойлик, нафақа, моддий ёрдам пулларини тўлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб муаммоларини бажариш, қимматли қоғозлар сотиш ва улар бўйича даромадлар (дивидентлар) тўлаш, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш, корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб счетларини юритиш, аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш учун қарзлар бериш ва бошқа хизмат турларидир. Уларни бирма-бир санаб чиқишнинг ҳожати бўлмаса керак. Лўнда қилиб айтганда, булар аҳолининг пул билан боғлиқ муаммоларини бажариш учун зарур бўлган хизмат турларидир.

Лекин, тан олиш керакки, уларни Жамғарма банкининг барча муассасалари бажармас ёки ҳар доим ҳам аҳолининг банк хизматларига бўлган талаби даражасида бажара олмас эди. Бунинг сабаблари Жамғарма банки муассасаларининг ҳамма аҳоли яшайдиган жойларда очилмаганлиги ва техникавий жиҳатдан тўлиқ жиҳозланмаганлигидир.

Жамғарма банкининг Халқ банкига айлантирилиши, шу маънода уни халққа янада яқинлаштириш, яъни ҳар бир қишлоқда, аҳоли яшайдиган жойда, хўжалик ҳудудида банк инфраструктурасини яратиш, уларни замонавий техника ва алоқа воситалари билан жиҳозлаш, аҳолининг товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишининг замонавий тизимини яратиш, барча муассасалар томонидан аҳолига жаҳон андозалари даражасида кенг кўламли банк хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида қилинган иш десам янглишмаган бўламан. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, анъанавий хизмат турларидан ташқари ҳозирги кунда якка тартибда иш юритаётган тадбиркорларга ҳам банк хизматлари кўрсатиш режалаштирилмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, банкимизнинг Халқ банки деб номланиши бежиз эмас.

**— Гарчанд Жамғарма банки замирида ташкил қилинса-да, аммо унинг ҳақиқий маънода Халқ банкига айланиши осонликча кечмайди, албатта. Талаб ва масъулияти кучайтирилган банкда ишлашнинг ҳам ўзи бўлмайди. Бинобарин у лаёқатли мутахассисларни тайёрлаш, мавжудларининг малакасини оширишни тақозо этади. Бу муаммони ҳал қилиш учун хориждан мутахассисларни жалб этиш ёки бўлмаса, ходимларингизни чет элга ўқишга юбориш кўзда тутилганми?**

— Тўғри таъкидлаганингиздек, Халқ банкига айланиш осонликча бўлмайди. Банкимиз олдида жуда масъулиятли ишлар турибди; булар муассасалар сонини кўпайтириш ва уларни техник жиҳатдан жиҳозлашгина эмас, балки энг асосийси халқ билан ишлай оладиган малакали мутахассислар тайёрлаш, уларнинг доимий равишда малакасини ошириб боришдир. Чунки банкка кирган ҳар қандай киши дастлаб банкнинг ташқи кўриниши, унинг безатилишига қараса ҳам асосан банк хизматчиларининг муомаласи, ўзини тутиши ва ўз ишини қай даражада билишига аҳамият беради. Мана шу икки кўрсаткич, айниқса иккинчиси яхши таассурот қолдиргандагина у қизиқтирган масалалар бўйича мурожаат қилиши ва банкнинг доимий мижозига айланиши мумкин. Акс ҳолда бундай банк узоққа бора олмайди. Шу боис ходимларни тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бунинг учун Нукус ва Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун замонавий компьютерлар ва бошқа техника воситалари билан тўла жиҳозланган ўқув марказлари ташкил қилинаётир. Бу ўқув марказларида банкимизнинг ҳар бир ходими икки йилда камида бир марта малакасини ошириши мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари хизмат кўрсатиш турлари, маданият ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш мақсадида хорижий консультантларни жалб қилиш, ходимларимизни хорижга ўқишга, малака оширишга юбориш режалаштирилган ва ҳозирги кунда шу масала юзасидан жаҳондаги бир нечта етакчи банклар билан музокаралар олиб борилмоқда.

**— Қарорда омонатчиларнинг манфаатдорлигини таъминлайдиган фоиз ставкаларини белгилаш асосида аҳолининг эркин пул маблағлари омонатларга жалб қилинишини рағбатлантириш вазифаси қўйилади. Агар сир бўлмаса, бу вазифани қандай қилиб амалга оширмоқчисизлар?**

— Узингизга маълумки, Жамғарма банки республикамиз ҳудудида биринчи бўлиб 3, 6, 12 ойлик қисқа муддатли депозитларни, ҳар ойда фоиз тўланадиган «Капитал» ва «Капитал — Люкс» омонатларини ишлаб чиқиб, амалга жорий этган эди.

Банкимизнинг Халқ банки деб номланиши биздан халқимизнинг эркин пул маблағларини омонатларда сақлашдан манфаатдорлигини янада оширадиган, уларни рағбатлантирадиган янги омонат турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, амалдаги омонат турларини соддалаштириш устида жадал ишлашни талаб қилади.

Тўғрисини айтиш керак, биз бу борада доимий изланишда бўлганмиз ва яқин кунларда яна бир нечта янги омонатлар турларини халқимиз эътиборига ҳавола қилиш ниятидамиз. Уйлайманки, улар халқимизга маъқул келади ва «Капитал», «Капитал—Люкс» омонатлари сингари тез орада оммавийлашиб кетади.

**— Товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилинишининг замонавий тизимини яратиш шу кунгача орзу бўлиб келаётган эди. Мана, ниҳоят... Айтинг-чи, бу ишларни йўлга қўйиш учун сизларга қанча вақт керак бўлади?**

— Аҳолининг товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиши мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан қай даражада ривожланганлигини, аҳолининг маънавий ва турмуш даражасини кўрсатади. Гарчанд, республикамиз ҳудудида аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблари ўтган йилга нисбатан 36,5 марта кўпайган бўлса-да, у асосан Жамғарма банкининг ҳисоб-китоб чеклари ва чек дафтарчалари орқали амалга оширилган ва уни ҳар доим ҳам аҳоли учун қулай деб бўлмайди.

Ҳозирги кунда банкимиз муассасалариаро ички тизимли локал компьютер тармоқлари ташкил этиш бўйича иш олиб борилмоқда ва мутахассисларимиз томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий тизимини яратиш, пластик карточкаларни жорий этиш мақсадида бир қатор хорижий банкларнинг тажрибалари ўрганиб чиқилмоқда. Уйлайманки, уч йил ичида республикамиз аҳолиси, яшаш жойидан қатъи назар товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг замонавий усули бўлмиш пластик карточкалар билан муомала қилишга тўлиқ ўтади.

**— Банк ходимларининг меҳнат ҳақи омонатлар кўпайишига ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажмига боғлиқ бўлиши белгилаб қўйилди. Қарорнинг ана шу бандини банк ходимлари қандай кутиб олишди?**

— Банк ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш даражаси омонатлар миқдорининг кўпайишига ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажмига боғлиқ бўлиши, шунингдек, кўп йиллик меҳнат фаолиятини ҳам назарда тутувчи меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг жорий этилишини қувончли ҳол, деб айтиш мумкин. Бир ҳисоблаб кўринг-а, шу йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг 9 ойига нисбатан омонатларга 3,7 марта кўп маблағ жалб қилинган, нақд пулсиз тушумлар 7,6 марта, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар 36,5 марта, пуллик хизматлар ҳажми 12,1 марта кўпайган ҳолда иш ҳақи 2,2 марта ортган, холос. Зеро, қарорнинг бу банди нафақат иш ҳақининг кўпайишига йўл очади, айни вақтда ҳар бир ходимдан ўз вазифасига бўлган масъулиятини ҳам янада оширишни тақозо этади. Бу эса ҳар бир ходимимиздан доимий изланишда бўлишни, ўз устида ишлашни, энг асосийси мижозлар билан бир жон, бир тан бўлиб яшашни, уларга аъло даражада хизмат кўрсатишни талаб қилади.

**— Шу дамгача «Ўзжамғармабанк» ўзининг савобга йўналтирилган ишлари, хусусан, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган турли фондларга хайрия ёрдамлари кўрсатиш билан эл оғзига тушган эди. Бундан буён ҳам ушбу анъана давом эттириладими?**

— Банкимизнинг номи Халқ банки эканлиги ва жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган фондларнинг кўпчилиги халқимизни фаровонлигини ошириш устида иш олиб бораётганлигининг ўзиёқ саволингизга жавоб бўлса керак, деб ўйлайман.

**— Нуритдин Фахритдинович, мулоқотдан фойдаланиб, мижозларингизга, умуман, мустақил Ватанимиз фуқароларига айтадиган қандай тилакларингиз бор?**

— Аввалом бор юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин-сочин, халқимиз соғ-саломат бўлсин, топган-тутганимиз яхшиликка, тўйга буюрсин. Узим ва ходимларимиз номидан банкимизга берилган Халқ банки номини оқлашга бор куч-ғайратимизни, билимимизни сафарбар этамиз, деб ишонтираман ва бу ишда халқимиз ўз ёрдамини аямаслигига ишонаман.

**Суҳбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ.**



**Асака шаҳридаги Мирзо Улуғбек номли 13-ҳунар-техника билим юрти халқ хўжалигининг турли соҳаларига малакали ишчи кадрлар етказиб бермоқда.**
**СУРАТДА: талаба Ғулбадан Махмудова. У ўқиш давомида тикувчилик сир-асрорларини мукаммал ўрганиш билан бирга компьютер ёрдамида янги модалар ишлаб чиқариш устида ишламокда.**

**Адҳамжон АБДУРАҲИМОВ суратлари**

*Юксалиш йўлида*

# ТАРМОҚЛАРИ ТЎКИСЛАШГАН ТАХТАКЎПИР

## Қорақалпоғистон Республикасининг бу шимолий туманида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жадал ривожланмоқда

Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида Тахтакўпир тумани ўзига хос ўрин тутади. Орол денгизи сари чўзилган чексиз яйловлар, уфққа туташиб кетган шолизору пахтачилик минтақаларининг энг шимолидаги ғўза майдонлари, экспортбоп чучукмия илдизи берувчи кенгликлар туман тараққиётининг табиий манбалари ҳисобланади.

Бир вақтлар туман айрим соҳаларда пешқадам бўлса, айримларида қолоқликка йўл қўйган эди. Эндиликда Тахтакўпирда барча тармоқлар тўкислашмоқда.

Гапни пахтачиликдан бошлай қолайлик. Аслида бу ерда пахта етиштириш осон иш эмас. Бу ерда ғўза ривожланиши даврининг ҳарорат йиғиндиси Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон жанубидаги туманлардан анча камдир. Иккинчидан, оқар сув танқислиги бу ерда одатдаги ҳолга айланган.

Шунга қарамасдан туман деҳқонлари ҳар йили давлатга пахта сотиш режасини Қорақалпоғистон Республикаси туманлари орасида биринчи бўлиб бажармоқда.

Хўш, бунинг сири нимада? Туман пахтазорларини айланиб ушбу саволга жавоб изладик. Бу йил баҳорда туман бўйича 1600 гектар ерга чигит қадалди. Пахтачилик туманларининг кўрсаткичларига ўрганган муштарий учун бу арзимас рақам бўлиб кўриниши мумкин. Яна бир бор Тахтакўпирнинг йирик шоличилик ҳамда чорвачилик тумани эканлигини қайд қилиб ўтишни истардик.

Шимолда ҳам пахта етиштириш мумкин экан. Бунинг учун тўғри тарзда нав танлай билиш лозим, холос. Меҳнат Қаҳрамони Шомурод ота Мусаев номидаги Чимбой деҳқончилик илмий-тадқиқот институти олимлари етиштирган «С-2747» нави тахтакўпирликларга жуда қўл келди.

Туман меҳнаткашлари 3300 тонна олтин толали хом ашёни мустақил мамлакатимиз хазинасига топшириб, Қорақалпоғистон Республикасида биринчи бўлиб, барвақт яъни сентябрь ойида режани уддалаб қўйишга эришдилар. «Бахмалкўл», «Тахтакўпир», Наврўз Жапақов номидаги, «Узбекистон» ва бошқа қатор ижара хўжаликлари теримда пешқадамлик қилмоқдалар.

«Бахмалкўл»! Ундаги бахмалдек жилоланиб турган пайкаллардаги бодроқдек очилган пахталар, сап-сариқ денгиздек мавжланиб ётган шолизорлар кўзингизни қувнатади. Пахта далаларида терим суръати бир зум бўшаштирилмаяпти. Хўжалик давлатга пахта сотиш режасини 18 иш кунида бажарган эди.

— Давлат буюртмасини бажариш бизнинг катта бурчимиздир, — дейди хўжалик раиси, тумандаги қобилиятли, ишчан раҳбарлардан бири Ерғали оға Сейитназаров. — Бурчимизни уддаладик. Эндиликда эса режадан ташқари кўпроқ миқдорда пахта топширишни кўзлаб ишламоқдамиз. Сабаби ҳар бир килограмм пахта деҳқонларимизга қўшимча тарзда тегадиган даромад, ўсимлик ёғи, кунжара. Ишловчиларимиз бир неча йилдан буён яхшироқ, самаралироқ ишлашдан келадиган манфаатни аниқ англайдиган бўлиб қолишган. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун далаларимизни бир қуръа айланиб чиқишнинг ўзи кифоя қилади!

Ерғали оға иқтисодни биринчи ўринга қўядиган, ишнинг пировард натижасини иқтисодий ислоҳотлар тарозиси билан ўлчайдиган раис. Унинг шарҳлаб беришича, ўтган йили хўжалик шолидан 37, кузги буғдойдан 20, пахтадан 28 центнердан ҳосил кўтариб, 6 миллион сўм соф фойда олди. Ҳозирги кунда ўша кўрсаткичларни янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда.

Деҳқончиликда йил йилга ўхшамайди. Мисол учун бу йил ғўзанинг эрта пишиб етилишига қулай табиий шароит вужудга келган бўлса, шоличиликда муаммо устига муаммо қўшилди. Хўжалик режага биноан 2240 гектар ерда шоли етиштириши лозим эди. Айни зарур паллада бир ярим ой оқар сув бўлмаганлиги боис фақат 1660 гектардаги шоли майсалари сақлаб қолинди. Аммо шоли парвариши кўнгилдагидек олиб борилганлиги сабабли мавжуд майдонлардаги «сариқ олтин» чўғи ёмон эмас. Шоли ўримига ва янчишга аллақачон киришилди. Хўжалик омборлари сара донга тўлмоқда. Баъзи карталардан 50 центнергача шоли йиғиб олинаётир.

«Бахмалкўлда» дала ишларини самарали юритиш тамоилга айланган. Теримчилар, механизаторлар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, Ҳабибулла Сайфуллаев, Сарсенбой Сейтназаров, Оловиддин Абдужамилов етакчилик қилаётган бригадаларда иш қизғин бормоқда. Ижара асосида иш олиб борадиган звено етакчилари Жиғагул Абдурейимова, Светлана Султонова, Сафаргул Абенова, Урозгул Бозорбоевалар таҳсинга лойиқ тарзда ишламоқдалар.

— Хўжалигимизнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади, — дейди Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилоти котиби Л. Бекжонов. — Ёшлар Иттифоқи аъзолари ҳурматли Президентимизнинг «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!» деган даъватига зарбдор меҳнатлари билан жавоб бермоқдалар. Пешона теримиз эвазига етиштирилган пахта ва шоли ҳосилини қировли кунларга қолдирмасдан йиғиштириб олишга ўз улушимизни қўшамиз.

Тахтакўпирда пешқадам хўжаликлар анча. Улардан бири «Тахтакўпир» ижара хўжалигидир. Ижара хўжалигининг довруғи бутун Қорақалпоғистонга таралган. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, мазкур Кенгес иқтисодий ислоҳотлар ва бдюджет сиёсати қўмитаси аъзоси Ағитой Одилов етакчилигидаги бу аҳил жамоа йилдан-йилга иқтисодий жиҳатдан юксалмоқда. Улар давлатга пахта сотиш режасини аллақачон бажариб мажбурият ҳисобига хом ашё топширмоқдалар.

Оқ жўхори унидан тайёрланадиган бешбармоқ наинки Тахтакўпирда, балки бутун Қорақалпоғистондаги тансиқ таом ҳисобланади. Туман хўжаликлари анча майдонга ана шу ардоқли экинни экишди. Жумладан, «Узбекистон» ижара хўжалигининг Жўлдосбой Давлатёров етакчилик қилаётган жамоаси 20 гектар оқ жўхори даласида мўл, эртаги ҳосил етиштирдилар. Оқ жўхорини йиғиб олишга киришилди. Тадбиркор деҳқонлар ҳар гектар оқ жўхоридан камида 30 центнердан дон жамғариб олишни кўзламоқдалар.

«Маржонкўл», «Бўршитов», «Довқора» ижара хўжаликларида ҳам кузги йиғим-терим, дала ишлари авжида бормоқда.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг маъносига меҳнатсевар халқимиз теран тушуниб етмоқда, — дейди туман ҳокими, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутати Зийналетдин Імалатдинов. — Мана, бизнинг туман тақдирини олиб кўринг. Орол денгизининг қуришидан энг кўп жабр чекаётган ҳудудлардан бири бизнинг эл. Аммо собиқ Шўролар Иттифоқи даврида Оролни асраб қолиш бўйича қанча қарорлар қабул қилинди. Уларнинг бирортаси ҳам амалга ошмади, қоғозда қолиб кетди. Мустақиллик шарофати, ҳурматли президентимиз Ислом Каримовнинг ғамхўрлиги туфайли қисқа муддат ичида Туямўйин — Нукус — Халқобод, Кегайли — Чимбой — Тахтакўпир сув қувури фойдаланишга топширилди. Туманимизга Бухоро «зангори олов»и етказиб берилди. Айни кунларда меҳнаткашларимиз Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Нукус декларацияси таассуротлари билан яшамоқда, келажакка умид кўзи билан қарамоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларимиз билан қизиқибсиз. Иқтисодий ислоҳот бошқа тармоқларда ҳам кўнгилдагидек бормоқда. Энди уларни алоҳида мавзу қилиб оларсиз, деб ўйлайман.

Туман ҳокимининг маслаҳатига амал қилган ҳолда мақоламизга нуқта қўяр эканмиз, мамлакатимиз шимолида мардона меҳнат қилаётган ажойиб инсонларга барча жабҳаларда омадлар тилаймиз!

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Туркистон»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз мухбири.**

*Қутлуғ кун*

# «ЁШЛИКДА ВАҚТИМ КЎП ЭДИ, ЭНДИ...»

***Бугунги суҳбатдошимиз Эркин Қосимов. У 1935 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1953—58 йилларда Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетида ўқиш билан бирга ўрта мактабда иш фаолиятини бошлаган. Ҳозир Тошкент архитектура-қурилиш институти проректори. Тошкент денгизи қурилиши иштирокчиси. «Қурилиш материаллари» курси бўйича дарсликлари олий ва ўрта махсус билим даргоҳларида ўқитилмоқда. Унинг лойиҳаси асосида Хонқа туманида янги технологияда кичик цемент заводи фойдаланишга топширилган. Урганч ва Қамашида ҳам шундай заводлар қурилмоқда. Эркин Қосимов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Халқаро муҳандислар академиясининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор, илмий ишлар бўйича ректор муовини. Биз устозни 60 йиллик муборак тўйлари билан қутлаб, ёшлик ва бугунги ёшлар ҳақида суҳбатлашдик.***



**— Эркин ака, ёшлигингиз қандай кечган?**

— Отам Умарали Қосимовдан қора хат олганимизда жуда ёш эдим. Бевақт бошга тушган кулфат болани ҳам тез улғайтириб қўяр экан. Онам Фароғат Қосимова бошланғич синф болаларига сабоқ берар, бир бурда нонга опам билан иккимиз сабр-қаноат қилардик. Уғил бола бўлганим учун нон олиб келиш менинг зиммамда эди: ҳар куни саҳар нон дўкони олдидаги турнақатор одамлар сафида навбатга турардим. Дўкон эрталабки соат 8 да очилар ва ур-тўполон билан нон олардик. Бир гал ишлаб, онамга кўмаклашиш мақсадида қўшнимга савдо ишларида ёрдамлашмоқчи ҳам бўлганман. Аммо онам боланинг пулга ўрганиши яхшиликка олиб келмайди, деб рухсат бермаганлар. Онам бизни бир нарсага — ҳар ким ўз ишини пухта бажаришга ўргатардилар. Шунинг учун бўлса керак, қаерда ўқимай ё ишламай, ўз вазифамни жон-жаҳдим билан бажаришга ҳаракат қиламан.

**— Ҳозир баъзи бир ўспиринларимиз ҳам бозорларда пул топишаяпти...**

— Баъзи ота-оналарнинг асосий хатоси ҳам шу: боласи пул топиб келса, хурсанд бўлишмоқда. У қайси йўл билан пул ишлади, харидор ҳақига хиёнат қилдими — бу ҳақда ўйлашмаяпти. Ишбилармонликни «учар»лик билан алмаштириб, нотўғри қилишяпти.

Ёшлигимдаги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни нонни онамнинг ўзлари олиб келдилар. Қарасак, ҳар кунгидан кўп. Опам билан иккаламиз хурсанд бўлиб, нонни кечгача у ёқ-бу ёғидан чимдиб еб қўйибмиз. Онам ишдан келгач, бизни шундай уришдиларки, ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди. Билсак, онам у нонни қўшниларнинг илтимосига кўра уларнинг «забор»ига олган, кечқурун бермоқчи бўлиб қўйган эканлар.

Оиламизда кийим-кечак ҳақида умуман гап бўлмасди. Нима топсак, кийиб кетаверардик. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, илк бор чарм туфлини уйланганимда кийганман. Бу қийинчиликлар менга кўп нарсани ўргатди.

**— Эркин ака, 80-йилларнинг охирларига бориб шаҳарларимиз, ҳатто қишлоқларимиз ҳам европалашиб кетган эди-я...**

— Ҳа, у пайтларда Москванинг рухсатисиз биронта қурилиш лойиҳасини ҳаётга тадбиқ этиб бўлмасди. Мустақиллик шарофати билан қурувчи ва олимларимиз елкасига шамол тегди: қурилишда кескин бурилиш ясалди. Ҳозирги қурилаётган бозорларимиздан то уй-жой биноларигача миллий руҳ уфуриб турганлиги кўзни қувонтиради.

**— Келгуси режаларингиз ҳақида икки оғиз.**

— Саудия Арабистонида ишлаётган бир афғон шогирдим Ўзбекистонни ер юзининг жаннатларидан бири, деган эди. Дарҳақиқат, кетмон сопини тиқсанг, ҳосил берадиган унумдор ерларимиз бор. Шу ерларимиз устига ташланаётган чиқиндилардан деворбоп, ёғочбоп, ўта мустаҳкам асбоблар ишлаб чиқариш керак. Ёшлигимда вақтим кўп-ку, тажрибам кам эди. Энди аксинча, ўзим нимаики билсам, шогирдларимга ўргатсам дейман. Чиқиндилардан қурилиш ашёларини ишлаб чиқаришга, илмий ишланмаларни халқ хўжалигига тадбиқ этилишига эришиш...

**— Ниятларингиз рўёбга чиқишига тилакдошмиз.**

**Саодат МАТЁҚУБ қизи суҳбатлашди.**

*Фақат шу сон учун*

# «СИНАЛГАН БЕОЗОР ДАВОЛАР...»

... Номли китоб «Меҳнат» нашриётида чоп этилган. Муаллифлари Эркин Жўраев, Маннон Набиев ва Ҳамид Хайруллаев. Айни дамда ушбу китоб ҳақида бежиз тўхталаётганимиз йўқ. Чунки юртимиз бозорларида нима кўп? Мева-сабзавот... Лекин уларнинг нимага ва қандай ҳолда даво эканлигини ҳамма вақт ҳам билавермаймиз. Масалан, анжир томоқни юмшатади. Кўпроқ еййилса, юзни тиниқлаштиради. Узум камқонликка чек қўяди. Пиёз билан олмани қирғичдан ўтказиб, асал аралаштириб истеъмол қилсангиз, томоқ оғриғидан қутиласиз. Хуллас, «Синалган беозор даволар» рисоласидан бир дона китоб жавонингизда бўлса, анча-мунча дори-дармонни бемалол уйда тайёрлай оласиз.

**Т. Ёрқулов.**

*Орамиздаги одамлар*

- **Она сути пулга сотилмайди.**
- **Отамурод олти ёшда.**
- **Лўлилар ҳам кўнгил сўрашди.**

**Мен бу аёлнинг гард қўнган киприкларига боқиб туриб, ҳамиша ҳайратланаман. Унинг беғубор чеҳраси, содда ва самимийлиги кишини беихтиёр ўзига жалб этади.**

# БУДУЛАЙНИНГ ИККИНЧИ ОНАСИ



ШАФОАТ ОПА ҲИКОЯСИ: Ўша кунни жуда яхши эслайман. Шифохонада бош врач ҳузурига кирмоқчи бўлиб турган эдим. Таниш лўлилар юришган экан кўринишлари жуда безовта. Саросимада. Улар икки киши эди. Қўлларида кичкина шиша идиш. Ҳайрон бўлиб сўрадим:

— Бу ерда нима қилиб юрибсизлар?

— Э, опа, кичкинтойни касалхонадан олиб чиққандик, онасидан сут келмаяпти, нима қилишни билмаяпмиз. Бормаган жойимиз қолмади. Энди чақалоққа сутни қайдан топамиз?

— Вой, ўлай. Ахир туни билан нима қиласизлар? Сут топган пайтларингизда ҳам у айниб қолади-ку.

— Билмасак, жуда қийналиб кетдик. Бола эмизадиган аёл топилармикин? Ҳеч бўлмаса чақалоқни бирон киши боқиб берaман деса, шунга ҳам розимиз.

Ичим жиз этди-ю, индолмадим. Бош врач ҳузуридан чиққанимдан кейин ҳам бола хаёлимдан кетмади. Нимадир қилишим кераклигини, жим туришим мумкин эмаслигини кўнглимнинг туб-тубида ҳис этаётгандим. Агар бефарқ бўлсам, бир умр ўзимни кечиролмасдим.

Уйга кира солиб, болаларимни ёнимга чақирдим. Воқеани айтдим. Қизларим рози бўлишди.

Шундай қилиб, 12 кунлик чақалоқни уйга олиб келдик. Биринчи кунлари чақалоқ (унинг исми Отамурод)нинг онаси бизникида туратурди. Биз билан бирга туради, ётади. У — бу ишга қарашган бўлади. Билиб турибман, боласини ташлаб кетгиси йўқ. Ахир у ҳам Она-ку! (Кейин маълум бўлишича, аёлнинг илгари ҳам фарзандлари бўлган экан. Аммо биронтаси ҳам кўп яшамаган. Шу боисдан бўлса керак, бу норасидасини ҳам нобуд қилиб қўйишдан чўчиётган бўлиши табиий.)

Баъзи оналар жигаргўшаларини боқишга ийманишади. Мен эса фарзандларимни тетапоя қилган муқаддас бешикка уни ҳам ётқиздим. Кун бўйи ишдаман (Шафоат опа қишлоқ амбулаториясида шифокор бўлиб ишлайди). Кундуз куни қизларим болага қарашади. Уни ерукўкка ишонишмайди. Кечалари мижжа қоқмаган кунларим жуда кўп бўлган. Олдинлари бир кеча ухламасам, кун бўйи ланж бўлиб юрардим. Энди эса туни билан ухламаган бўлсам-да, кун бўйи тетик юраман. Ўз-ўзимча ҳайрон бўламан: бунча куч-қудрат менга қаёқдан келаяпти? Шу боланинг бир хислати бор-ов.

Бир сафар Отамуроднинг ичи кетди. Шифокор эмасманми, бир зумда муолажа қилдим. Ҳайрият, бола ўзини тиклаб олди. Шу-шу унинг тоби қочганини эслай олмайман. Бутун бошли оила шу чақалоқ билан овора эдик. Баъзан уй иши ҳам қолиб кетарди. Худога шукр, фарзандларим мўмин қобил. Бири олиб, бири қўйиб, парвона бўлишади.

Ҳозир Отамурод — чақалоғимиз 6 ёшда. Уйимизга тез-тез келиб туради. Энди-энди эсласам, қўрқиб кетаман. Ўшанда қандай журъат пайдо бўлганига.

ШАФОАТ ЯҲЁЕВА Шеробод туманидаги Владимир Қодиров номли давлат хўжалигида истиқомат қилади. Етти нафар фарзанди бор. Уч ўғил, тўрт қиз. Катта ўғли Фахриддиннинг тўрт нафар фарзанди бор. Айни пайтда Навоий шаҳрида истиқомат қилади. Ҳарбий офицер. Кейинги ўғли Шамсиддин ўзи билан бирга туради. Фермер. Оиласи, фарзандлари бор. Кейинги фарзандлари Шарофат, Феруза, Дилфуза ўзларидан тинган. Оила ташвиши билан елиб-югуриб юришибди. Рустам билан Дилфуза эса мактабда ўқишади.

Шафоат опа узоқ йиллар қишлоқ амбулаториясида шифокор бўлиб ишлади. Бировнинг кўнглини оғритгани йўқ. Эртаю-кеч халқ хизматида. Унинг учун кеча билан кундузнинг фарқи йўқ. Ёрдам сўраб келган кишига йўқ деёлмайди. Қолаверса, бу унинг шифокорлик — инсонийлик бурчи.

Бундан бир неча йил олдин давлат хўжалиги директори Чори Мамаражабов билан маслаҳатлашиб, фермер хўжалиги очишди. Айни кунда бу ишларни жадал суръатда ривожлантиришмоқда. 20 га яқин мол бор. Давлатга гўшт топширишмоқда. Хўжаликдан ажратилган 5 гектар ерга буғдой, карам экишган. Фарзандлари, қолаверса ўзи хўжаликнинг ёрдами билан ишлашмоқда.

ШАФОАТ ОПА ҲИКОЯСИ: Бир куни уйимизга қариндошлар келиб қолишди. Ўшанда Отамуродни боқиб олганимизга бир неча ой бўлганди. Уйда у ёқ бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиргандик. Бирдан чақалоқнинг йиғлаган товуши эшитилиб қолди. Меҳмонлар ҳайрон.

Ўрнимдан туриб, чақалоқни олиб келдим. Болани овсинимнинг қўлига тутқаздим. «Кимга ўхшайди?» — дедим.

— Бу бола Будулайнинг авлодига ўхшайди-ку.

Шу-шу чақалоқнинг исми Будулай бўлиб кетди.

Лўлилар асли тарқоқ ҳолда яшашни хуш кўришади. Уларнинг турмуш тарзи шунақа. Будулайнинг отаси Эсонов Холбой. Улар бир неча киши бўлиб Тожикистон тарафдан кўчиб келишган. Шерободга келганларида хўжайиним — Воҳидов Фозил давлат хўжалигида бўлим бошлиғи бўлиб ишларди. У киши жуда одамохун, кишиларга меҳрибон эдилар. Хўжайиним лўлиларнинг кўнглини топди шекилли, улар шу ерда қўним топишди. Улар учун шароит яратди. Бирон ёрдам керак бўлиб қолса, лўлилар тортинмасдан уйимизга ҳам келишаверишарди. Улардан қўлдан келган ёрдамни аямасдик. Ўзи бизнинг оилада бечораҳол, ўзини тиклаб ололмаганларга ёрдам бериш одат тусига кирганди.

1982 йил июнь ойида хўжайиним касалликдан вафот этди. Ўша оғир кунларда ҳам лўлилар келиб кўнгил сўрашган. Менимча, Будулайни бизга ишонишларининг бош сабабчиси ҳам бизнинг бир-биримизга бўлган меҳрибончилигимиз бўлса керак.

Менимча, она ҳамиша меҳр-оқибатли бўлиши керак. Агар ОНАдан меҳр-оқибат қочмаса, инсондан меҳр-оқибат кўтарилмайди.

Чақалоқни боқиб олган кезларимиз атрофда ҳар хил гап-сўзлар ҳам кўпайганди.

Аммо мен шуни сездимки, Будулай биз билан яшай бошлаганидан кейин оиламизга барака қўшилди, молимизга-мол, руҳимиз жуда тетик, енгил.

Ишонсангиз шундан кейин лўлиларнинг уй тутиши, рўзғори ўзгариб қолди. Ҳатто юриш-туришлари, кийинишлари бошқача. Тоза, озода.

Будулай бир ёшга етмасдан лўлилар яна фарзанд кўришди. Бу сафар ҳам чақалоқни боқишга қўлдан келганча ёрдам бердик. Уларнинг уйларига бориб, чақалоқнинг аҳволидан боҳабар бўлдик. Кўп нарсаларни қайта-қайта уқтирдик.

Будулайни чақалоқлигида уйига тез-тез жўнатиб турардим. Ахир у ўзининг ҳақиқий онасини унутмаслиги керак. Онасининг қўли бўшаб қолмасин. Шу билан овунсин. Меҳри ийсин. Будулайга мен қанча меҳримни бермай, барибир отасини яхши кўрарди. Бундан мен қувонаман. Отаси келса югуриб олдига чиқади. Будулайнинг той-той қилган пайти, биринчи қадами бизни қанчалар қувонтирганини билсангиз эди. Ҳозир Будулай — 6 ёшда. Эрта-индин мактабга чиқади. Отасининг айтишига қараганда унинг саводини чиқариш ҳам Шафоат опалар оиласи зиммасида. Бу тўғри маънода. Шафоат опанинг оиласига эса бу ишнинг ҳеч оғирлиги йўқ.

Инсон куч-қудрати нақадар чексиз. Баъзи — бир оналарнинг фарзандларидан воз кечаётгани ҳақида эшитганимда, уларни болалар уйида сарғайтираётганини кўрганимда, Шафоат опани эслайман. Ўшандай меҳрсиз, виждонсиз аёлларга Шафоат опани йўлчи юлдуз қилиб кўрсатгим келаверади.

**Муҳаммад АМИН,**
**«Туркистон» мухбири.**
**Сурхондарё вилояти.**

**СУРАТДА: Шафоат опа ЯҲЁЕВА (чапдан иккинчи) Шеробод туманининг фаол ва жамоатчи аёллари билан. Муаллиф суратга олган.**

*Долзарб мавзуда суҳбат*

# ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ — ДАВР ТАЛАБИ

**Хоразм вилоят давлат мулки ҳудудий бошқармаси бошлиғи, вилоят ҳокими муовини БАҲОДИР БОБОЖОНОВ билан мулоқот**

—Хоразмда қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириш жараёнлари қандай кечмоқда?

— Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг яқиндагина қабул қилган «1995 йилнинг биринчи чораги дастурининг бажарилиши ва биринчи ярим йилликда ислоҳотларнинг якунлари тўғрисида» қарори мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида муҳим қадамлардан бири бўлди. Бугунги кунда воҳада 173 та акционерлик жамияти фаолият кўрсатяпти. Шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, вилоятда республика миллий депозитарийси филиалининг очилиши катта ютуқларимиздан бўлди. Айни пайтда у «Искра» махсус алоқа тармоғи билан таъминланган.

— Ана шу депозитарий тўғрисида ҳам атрофлича тўхталсангиз. Чунки кўпгина муштарийлар депозитарий тармоғи ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлишни истайдилар.

— Аввало, депозитарий тармоқларининг юзага келиши билан қимматбаҳо қоғозлар (акциялар) тўғрисида ҳудудлараро бирлашган маълумотлар марказини ташкил қилиш имкони туғилади. Республикамиздаги «Вақт» миллий депозитарийси энг замонавий компьютерлар, алоқа тармоқлари, лицензион программалар билан таъминланган бўлиб, вилоятимиз филиалидаги компьютер системаси улар билан «Искра» махсус алоқа тармоғи орқали боғланган. Унинг шарофатидан эндиликда акционерлик жамиятлари вакиллари республика марказига қатнаб юрмасдан депозитарийнинг вилоят филиалига ўз акционерлик жамиятларининг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш имкониятларига эга бўладилар.

Депозитарий тармоқларининг яна бир афзаллик томони шуки, акционерлик жамиятлари ҳали қимматбаҳо қоғозлар чиқариб улгурмаганликлари белгиланган акция миқдорларини махсус ҳужжатлар орқали компьютер системаси рўйхатга олади, бу тўғрида акционерлик жамиятларига сертификат топширилади ва шу кундан эътиборан республика миллий депозитарийси ҳисобига кирган ҳисобланади.

Депозитарий тармоқларида акциялар қўлдан-қўлга ўтиб юрмасдан компьютер системалари орқали бир томондан иккинчи томонга ўтказилиб қимматбаҳо қоғозлар сотилиши ташкил қилинади.

— Вилоятда қимматли қоғозлар бозорининг яна қанақа иқтисодий институтлари очилади?

— Яқинда вилоятимизда яна бир тармоқ — Ўзбекистон «Миллий» инвестиция фондининг Хоразм филиали иш бошлади. Жорий йилнинг июль ва август ойларида тағин тўрт-бешта брокерлик идоралари ва Тошкент фонд биржасининг филиалини очиш учун тайёргарликлар кўриляпти.

—— Яқинда вилоятда республика семинар кенгаши ўтказилди. **Унинг асосий мақсади нимага қаратилди?**

— Қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш, давлат мулки корхоналарини акционерлаштириш шу куннинг муҳим вазифасидир. Бу жараённи тезлаштириш иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ва иқтисодиётнинг самарали секторини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Шу йилнинг май ойида вилоятимизда республика мулк қўмитаси томонидан семинар-кенгаш ўтказилиши ҳам қимматли қоғозлар бозорини тезроқ шакллантиришда, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни янада чуқурлаштиришда кўмак беради, деб ўйлайман. Чунки семинар-кенгашда айнан қимматли қоғозлар, кўчмас мулк бозорини шакллантириш ва ривожлантириш борасида ниҳоятда таъсирчан ва фойдали маърузалар қилинди. Семинарда республика давлат мулки қўмитаси раиси муовинлари Р. Раҳимжонов, Р. Нуралиев, республика миллий депозитарийси, Тошкент фонд биржаси ҳамда кўчмас мулк биржасининг раҳбарлари ва мутахассислар, республика вилоятлари давлат мулки ҳудудий бошқарма бошлиқларининг муовинлари, вилоят ва шаҳар ҳокимлари барча акционерлик жамиятлари раислари иштирок этди.

Ўйлайманки, ушбу тадбир тез орада жойларда ўз самараларини кўрсата бошлайди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашилади, ушбу жараёнларни тезлаштириш юзасидан олиб бориладиган зарур тушунтириш ва ташвиқот ишларини таъминлашга даъват бўлади. Йил охиригача қимматли қоғозлар бозорини шакллантиришда сезиларли натижаларга эришилади, дея умид қиламан.

— Кейинги пайтларда «Ким ошди» савдоларини ташкил этиш анъанага айланиб қолди. Бу борада вилоятда қандай ибратли ишлар олиб бориляпти?

— Вилоятда хусусийлаштириш жараёни тезлашмоқда. Бошқарма кўраётган чора-тадбирларнинг натижалари чакки эмас. Ҳа, «Ким ошди» савдоларини ўтказиш амалий тус олмоқда. Йил бошидан бери ўнта аукцион ўтказилиб, унда бешта кўчмас мулк, 64 та ер участкаси, 19 та автотранспорт воситаси сотилди. «Ким ошди» савдоси ва акциялар сотиш бўйича 1,6 миллион сўм кирим қилинди.

Хоразмда қимматбаҳо қоғозлар, кўчмас мулк бозорини тезроқ шакллантириш, хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш ва тушадиган маблағларни жамлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида Дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастурдан вилоят, туман, шаҳарлардаги корхоналарни хусусийлаштириш ва маблағларни тушириш, акциялар чиқариш, «Ким ошди» савдоларини ўтказиш юзасидан рўйхат ва топшириқлар, шунингдек вилоят ҳокимининг 8 майдаги қарори ҳамда вилоят ҳокимлиги қошида хусусийлаштиришга ва тадбиркорликка кўмаклашувчи кенгашни тузиш тўғрисидаги қарор ва низом кенг ўрин олган.

Хуллас, кўчмас мулк биржасидан фақатгина пул сотиб олиш эмас, балки ҳар бир хўжалик ташкилоти ҳисобида бўлган ортиқча мулкларни аукционга қўйиб қимматроқ сотиш ҳисобига ўз молиявий муаммоларини ҳал қилиш мумкинлигини ҳар бир хўжалик раҳбарига тушунтиришга ҳаракат қилаяпмиз.

— Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат.

**Дилбар БЕКЖОНОВА**
**суҳбатлашди.**

*Қашқадарё томонларда*

## ЁҒ МЎЛ БЎЛАДИ. МИХ ҲАМ...

Яқинда Нишон туманида кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Акмал» хусусий фирмаси иш бошлади. Мазкур фирмага тажрибали тадбиркор Муҳтарама Назарқулова бошчилик қилмоқда.

Фирма жамоаси шу кунларда совун ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган. Бу ерда кунига 1000 донадан ортиқ сифатли совун тайёрланмоқда. Хом ашё эса Косон ёғ-экстракция заводидан шартнома асосида олинмоқда. Тез кунларда бу ерда чигит мойи ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, тумандаги «Уста Шоди Жони» фирмаси ҳам ўз фаолиятини бошлаб юборди. Бу ерда асосан мих ишлаб чиқарилмоқда. Жамоанинг кучи билан кунига ўртача 1,5 тонна турли ҳажмдаги мих тайёрланаётир.

## ЯНГИ УН ЗАВОДИ

Чироқчи туманидаги Айритом қўрғонида кичик ун заводи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Заводдаги асбоб - ускуналар Россиянинг Подольск шаҳридан келтирилган бўлиб, унда кунига 24 тонна ун тайёрлаш мумкин.

Ҳудди шундай митти завод тумандаги «Коммуна» жамоа-ширкат хўжалигида ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди.

*Ёшлар Иттифоқида нима гап?*

# ТОПГАН ГУЛ, ТОПМАГАН...

**бир жуфт қўшиқ келтиришига амин бўлди «Озод» ва «Гулистон» жамоа хўжаликлари пахтакорлари**







Бу йилги куз ҳам саховатли келди. Республикамиз пахтакорлари улкан «оқ олтин» хирмонини барпо этиш йўлида айни кунларда астойдил тер тўкмоқдалар. Ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай йиғиб олиш мақсадида кўплаб шаҳарлик ҳашарчилар ҳам далаларга отланишган.

Топган гул, топмаган бир боғ пиёз келтиради, деган нақл бор. Шу нақлга амал қилган бир гуруҳ зиёли ва санъаткорлар яқинда пойтахт вилоятининг Оққўрғон туманидаги «Озод» ва «Гулистон» жамоа хўжаликлари пахтакорлари ҳузурида бўлишди. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент вилояти қўмитаси биринчи котиби Наима Жабборова бошчилигидаги бу гуруҳда таниқли фантаст ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов, шоира Фарида Усмонова, халқаро «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий экспедицияси бошлиғи Фахриддин Ашрафхўжаев, «Чарос» рақс ансамбли гуруҳи ва «Мўтти» театри жамоаси аъзолари иштирок этишди.

Пахтакорларнинг ғанимат вақтларини аяган шаҳарлик меҳмонлар учрашувни тўғридан-тўғри далада, тушлик пайтида бошлаб юборишди. Дилрабо куйлар шўх яллаларга уланди. Ёшларнинг севимли қизиқчиси Шерали Ҳожиевнинг ичакузди чиқишлари ўзгача бир олқишларга сазовор бўлди. Пахтакор ва ҳашарчилар шаънига илиқ сўзлар айтилди, шеърлар ўқилди. Жамоаларнинг илғор теримчиларига мазмунли ҳордиқдан сўнг мукофот ва совғалар ҳам топширилди. Сўнг ҳамма пахтазорга йўл олдилар.

**О. МАКСИМОВА.**
**Сураткаш: К. ЎЛМАСОВ.**

* * *

***Кеча Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи МҚ қошидаги «Мўтти» театри ижодий жамоаси яна сафарга отланишди. Бу гал улар Жиззах ва Сирдарё пахтакорлари ҳузурида бўлишади.***

*Фақат шу сон учун*

## ЎТИН БИЛАН ХАЙРЛАШДИЛАР

Мустақиллик шарофати билан қишлоқларимиз кундан-кун кўркамлашмоқда. Яқинда Ғузор туманидаги Улуғбек жамоа-ширкат хўжалиги марказида яшовчи аҳоли хонадонларига табиий газ қувурлари тортилиб, плиталарда «зангори олов» ёна бошлади. Хўжалик раҳбари Бегимқул Эшқобиловнинг таъкидлашича, ҳозиргача бундай қулайликлардан 200 дан ортиқ хонадон баҳраманд бўлган бўлса, келгуси йил охиригача 1000 дан ортиқ хонадонга табиий газ келиши режалаштирилган.

**Аҳрор САМАРИДДИНОВ,**
**«Туркистон»нинг ўз мухбири.**

## ИТАЛИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Китоб туманидаги «Китоб» деҳқон саноати фирмасида янги мева қуритиш цехи ишга тушди. Мазкур цех Италиянинг «Сандвек» фирмаси ҳамкорлигида барпо этилган бўлиб, у тўла қувват билан ишлатилса, йилига қарийб 4000 тонна мевани қуритиш имконини беради.

## «СУПЕРМАРКЕТ»ЛАРГА МАРҲАМАТ!

Вилоятнинг Қарши, Яккабоғ, Китоб, Шаҳрисабз туманлари марказларида «Супермаркет» савдо шаҳобчалари ташкил этилди. Мазкур савдо марказларида аҳолига керакли кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат товарларининг барча турлари мавжуд.

*Тақдир ўйини*

# К. КУЗАКОВ — И. В. СТАЛИННИНГ ЎҒЛИ

*Унинг мансаб пиллапояларидан ўтиши ҳатто Сталин замони учун ҳам шиддатли парвоз ва тойишлардан иборатдир. Олий ўқув юртининг партиясиз ўқитувчисидан етти йил ичида ВКП(б) Марказий Қўмитаси тарғибот-ташвиқот бошқармаси бошлиғи ўринбосари ва бир вақтнинг ўзида кинемотография вазирининг биринчи муовинига айланган эди у. Ҳужжатларида туғилган жойи ва вақти ўзгартирилган бўлиб, сабаби эса оддий — Константин Степанович Кузаков Сольвичегодскка сургун қилинган Иосиф Жугашвили ижарада турган уйда таваллуд топганди. Ва шунга кўра Сталиннинг оила аъзолари ҳам Константин Степановични ўз қариндошлари деб биладилар. Бироқ, бир умр таржимаи ҳолининг ушбу тафсилотини муҳокама қилишдан онгли равишда ўзини четга тортиб юрган. Бугун у бу ҳақда илк бор ҳикоя қилаётир:*

**— Константин Степанович, Сталин сизнинг отангиз эканлигини биринчи марта қачон билгансиз?**

— Мен ҳали жуда кичкина эдим... Бизнинг Сольвичегорскда уйимиздан сал наридаги ялангликда сургун қилинганлар футбол майдони қуриб олишган бўлиб, мен тез-тез уларнинг ўйинларини томоша қилиш учун борардим. Майдон четида туриб, чиқиб кетган коптокни ўйинчиларга олиб келиб турардим. Ўшанда, албатта, ўз тенгдошларимдан қанчалар фарқ қилишимни тушуниб етмасдим. Менинг қоп-қора сочларимга қизиқиш билан қарашарди. Кунлардан бир куни сургундагиларнинг бири диққат билан мени кузатаётганини сезиб қолдим. Сўнгра у олдимга келиб, исмимни сўради. Мен жавоб қилдим: «Костя». У эса «Ҳали сен Жугашвилининг ўғлимисан? Ўхшайсан, ўхшайсан...» дегани яхши эсимда.

**— Сиз ўшанда онангиздан бу гап тўғрилигини сўрамаганмисиз?**

— Мен бу ҳақда кейинроқ сўраганман. Ойим гарчанд темир иродали, айни вақтда мағрур бўлса-да, кўнгилчан аёл эди. Ўшанда у шундай деб жавоб берганди: «Сен менинг ўғлимсан. Бундан бошқаси тўғрисида ҳеч ким билан ҳеч қачон гаплашма».

**— Оилангиз катта эдими?**

— Оймнинг, агар айтиш жоиз бўлса, биринчи никоҳдан уч ўғил ва икки қиз бўлиб, унинг эри Степан Михайлович мен туғилишимдан икки йил бурун вафот этганди. Энг қизиғи шундаки, мен — ноқонуний туғилган болани бутун оила ерукўкка ишонмас, айниқса опаларим эркалатганлари эркалатганди. Кулгилиси шундаки, катта опам жандармга турмушга чиққан эди.

**— Сизларнинг уйга Сталин қандай келиб қолганди?**

— Ойим шундай ҳикоя қилади. Уйимизга бир грузин келиб, шу ерда Давид (аввалги ижарачимизнинг исми) яшагандими, — деб сўраган. Ойим «яшаган» деб жавоб қилган. «У менга сизникида туришни тавсия этди» — Бу янги ижарачимиз Иосиф Виссарионович эди.

— Сталиннинг ўғли эканлигингиз тўғрисидаги «унвон» қачон сизга ёрдам бера бошлаган.

— Бу қандайдир ўзим сезмаган ҳолда содир бўлган. Бизга округ маркази — Великий Устюгдан футбол бўйича ўртоқлик учрашуви ўтказиш учун команда келганида мен мактабда охирги синфда ўқирдим. Кутилмаганда менинг олдимга округ комсомол қўмитасининг котиби Вася Слепухин келиб, «Мактабни битиргач қаерга бормоқчисан?» деб сўраб қолди. Сиёсий иқтисод бўйича ўқишни ният қилганимни айтдим. Вася институтга комсомол йўлланмаси беришга ваъда қилди. Дарҳақиқат, менга Ленинград молия-иқтисод институтига йўлланма беришди. Имтиҳонлардан сўнг мен жойлашган ётоқхонага Слепухин келди. У бир йилдан бери шу институтда ўқир ва комсомол қўмитаси котиби қилиб сайланган ҳам эди. «Қани Сталиннинг ўғли, — деди у, — энди отанг хурсанд бўладиган бўлди». Унинг гапларини эшитиб, мен ҳатто қўрқиб кетдим. Агар у ер-бу ерда валақлаб қўйса, фалокат юз бериши тайин, деб ўйладим. Аммо ҳаммаси тинч ўтди.

Институтни битирганимдан кейин шу ерда ўқитувчи бўлиб қолдим. Кўплаб маърузалар ўқидим ва орадан бир қанча вақт ўтгач, вилоят қўмитасига лекторлик гуруҳига ишлашга таклиф қилиндим. Ваҳоланки, ўшанда коммунист эмас эдим.

**— Партияга киришни хоҳламагансизми ёки иложи бўлмаганми?**

— Мен партияга ўтмоқчи бўлганимда, тозалаш бошланиб қолиб, қабул қилишлар тўхтатилган эди. Фақат 1939 йилга келиб коммунист бўлганман. Ва салдан кейин Марказий Қўмита аппаратига ишга ўтдим. Бу шундай юз берганди: мен райком котиблари курсида маъруза ўқирдим. Қарасам, залга Жданов кириб келяпти. Менга кейинчалик маърузам унга ёққанлигини етказишди. Бир қанча вақтдан сўнг мени телеграмма билан Москвага Марказий Қўмитанинг тарғибот-ташвиқот бўлимига чақиртириб олишди.

**— Жданов сизнинг насл-насабингизни билармиди?**

— Бу катта сир эмас эди. Бундан у ҳам хабардор эди, деб ўйлайман. Лекин мендан бу ҳақда сўрашганда, доимо гапни четга бурардим. Бироқ, хизмат пиллапояларидан кўтарилишим ўзимнинг ҳам қобилиятим билан боғлиқ, деб ҳисоблайман. Айни вақтда Жданов ўзини менга яқин тутиб, ўзи ҳам Сталинга яқинроқ бўлишга интилган бўлиши мумкинлигини ҳам инкор этмайман.

**— Бошқа раҳбарлар ҳам сизга қайишган эдиларми?**

— Менга айниқса Поскребишев яхши муносабатда эди. Сталиннинг шахсий топшириқларини менга етказган ҳам худди шу Поскребишев эди. Маълум пайтгача Маленковнинг менга алоҳида муносабатда бўлганлигини ҳис қилганман. У мен учун Сталиннинг шахсий қабулини уюштиришга ҳаракат қилиб ҳам кўрганди.

**— Учрашув юз берганмиди?**

— Йўқ, лекин менинг айбим билан шундай бўлганди. Учрашув арафасида биз Эски майдонда тонг саҳаргача ишлагандик. Уйга келиб, донг қотиб ухлаб қолибман. Оилам далаҳовлида эди. Менга вертушка орқали ҳам, шаҳар телефони орқали ҳам қўнғироқ қилишган, мен эса... Уйқудан тургач, ишлар қандай кетаётганини билиш учун бўлимга сим қоқдим. У ердагилар зудлик билан Поскребишевга қўнғироқ қилишим кераклигини айтишди. У шовқин кўтариб мени койиб кетди: «Биз сени роса изладик. Маленковнинг ўзи сенга қўнғироқ қилди. Ўртоқ Сталин сени кўрмоқчи эди. Энди кечикдик, унинг олдига маршаллар кириб кетишди, бу узоққа чўзилади».

**— Сталин билан бошқа учрашмадингизми?**

— Мен уни кўп марта кўрдим. Йироқдан ҳам, яқиндан ҳам. Аммо у мени бошқа ўз ҳузурига чақиртирмади. Ўйлашимча, у мени нохолис одамлар қўлида ўйинчоқ бўлишимни истамаган эди.

**— Константин Степанович, нега сизнинг ёрқин ўсишингиз Сталин ўлимидан анча бурун тўхтаб қолди?**

— Ҳа, у тўхтаб қолди, бироқ ниҳоясига етмади. Хрушчев ва Брежнев даврларида мен нашриёт директори, Маданият вазирлиги бошқармаси бошлиғи ва узоқ йиллар Давлаттелерадио ҳайъати аъзоси бўлдим. Тўхтаб қолиши эса, Бериянинг ков-ковлари натижасида юз берган эди. Менга бу нарсани эслаш оғир. 1947 йили кеч пайтида Андрей Александрович Жданов зудлик билан ўз ҳузурига чақиртирди. Унинг олдида давлат хавфсизлик хизмати вазири Абакумов ўтирарди. Менга Марказий Қўмитадаги ўринбосарим Борис Сучков жосус эканлигини ва у совет ядро дастури сирларини америкаликларга сотганлигини айтишди. Кўз ўнгим қоронғулашиб кетди. Мен Бориснинг сотқин эканлигига ишонмадим, аммо энди бу ҳеч бир аҳамиятга эга эмас эди. Атом масаласи билан Берия шуғулланар, ҳеч кимга — на Сучковга, на у билан таниш бўлганларга раҳм-шафқат бўлиши мумкин эмасди. Айниқса менга, Марказий Қўмитага ишга қабул қилиш чоғида Борисга кафолат бўлган кишига шафқат кутиш қийин эди. Ўша пайтларда шунақа ўзаро масъулият шакли мавжуд эди.

**— Бериянинг олдида сиз қандай айб қилгандингиз?**

— Берия мени эмас, Ждановни йўқотмоқчи эди. У Ждановга қарши мендан фойдаланишни ўйлаганди...

Шу воқеадан сўнг мени партиядан ўчиришди, барча лавозимлардан олиб ташлашди. Бу оғир жазо эди. Бироқ ҳар қалай лагерь ёки отиш жазоси эмас эди-ку!

**— Сизни Сталин қутқариб қолган эдими?**

— Ҳа. Берия «атом жосуслиги» тўғрисидаги масалани Сиёсий бюрога қўйиб, кейинчалик менга Ждановнинг ҳикоя қилишича, менинг қўлга олинишимни талаб қилган. У яхши билардики, улар қамоқда ҳар қандай ҳужжатга имзо чекишга мени мажбур қилишлари мумкин эди. Сталин стол атрофида узоқ юрган, чеккан ва кейин: «Кузаковни қамашга мен ҳеч бир асос кўрмаяпман», деб айтган.

**Евгений ЖИРНОВ,**
**(«АиФ» ҳафталигининг 39-сонидан қисқартириб босилмоқда).**

